



2015 у.г. « 12 » ноябрь № 229-К

Samarqand sh., – г. Самарканд

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 9 ноябрдаги Ф–4570-сонли “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма уч йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши ҳақида

Мустақил ва суверен Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши ва ривожланиши, унинг халқро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлида мустаҳкам замин бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма уч йиллигини кенг нишонлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 9 ноябрдаги Ф–4570-сонли “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма уч йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 9 ноябрдаги Ф–4570-сонли “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма уч йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармойиши билан байрамни ўтказиш билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар маҳаллий бюджетларда назарда тутилган ҳоқимликларнинг захира маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма уч йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича вилоят ташкилий кўмитаси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий кўмита беш кун муддатда тегишли тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва уни амалга оширишга киришсин.

4. Дастурни ишлаб чиқишда туман ва шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма уч йиллик байрами муносабати билан аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таникли олимлар, ижодкор зиёлилар, санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳларини ташкил этиш ҳамда уларнинг белгиланган режа асосида фаолият олиб боришнинг таъминлаш кўзда тутилсин.

5. Вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси (К.Мизамов) Самарқанд шаҳар ҳокимлиги (А.Шукуров) билан биргаликда 2015 йил 6 декабрь кунини Самарқанд санъат коллежи “Концерт зали”да Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма уч йиллигини нишонлашга бағишланган тантанали йиғилиш ҳамда санъат усталари ва ёш ижроичилар иштирокидаги байрам дастурини юқори савияда ташкил этишни таъминласин.


6. Туман ва шаҳарлар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма уч йиллик байрами муносабати билан маданий-маърифий тадбирларни белгиласинлар ҳамда жойларда ушбу кунга бағишланган байрамнинг кўтаринки руҳда ўтишини таъминласинлар.

7. Вилоят Телерадиокомпанияси (Ф.Тураев), “Самарқанд телевидениеси” масъулияти чекланган жамияти (У.Ахмедов), “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган тахририяти (Ф.Тошев), “Овози Самарқанд” (О.Хидиров) газеталарига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма уч йиллигига бағишланган тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими

З.Мирзаев



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма уч йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича вилоят ташкилий кўмитаси
ТАРКИБИ

1. Мирзаев З.Т. -Вилоят ҳокими, ташкилий кўмита раиси
2. Худжаёров Х.Г. -Вилоят ҳокимининг ўринбосари, ташкилий кўмита раиси ўринбосари
3. Шукуров А.С. -Самарқанд шаҳар ҳокими, ташкилий кўмита раиси ўринбосари
4. Кувондиқов Ф.Б. -Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи
5. Маматов Х.Т. -вилоят адлия бошқармаси бошлиғи
6. Мизомов К.Х. -вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи
7. Халмухаммедов А. -Самарқанд давлат университети ректори
8. Ахмедов С.И. -Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ректори
9. Рахимов Ғ.Х. -Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори
10. Қудратов Ғ.Х. -Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори
11. Шамсиев А.М. -Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори
12. Остонакулов Т.Э. -Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ректори
13. Халджигитов А.А. -Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали директори
14. Умаров А.М. -Вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси бошлиғи
15. Юлдошев Р.Д. -Вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи
16. Эрназаров Н. -Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи
17. Юлдошев Ш.М. -“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси
18. Тураев Ф. -Вилоят телерадиокомпанияси директори
19. Ахмедов У. -“Самарқанд телевидениеси” масъулияти чекланган жамияти директори
20. Тошев Ф.И. -“Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталарининг бирлашган тахририяти бош муҳаррири
21. Хидиров О. -“Овози Самарқанд” газетаси бош муҳаррири
22. Бобоев М.Х. -Қасаба уюшмалари вилоят Кенгаши раиси
23. Лавозимига кўра -туман ва шаҳар ҳокимлари